

# Росуллоҳнинг хулқлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

﴿باب ما جاء في خلق رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

[ الأوزبكي – Uzbek – Узбекча ]

**Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿باب ما جاء في خلق رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

## بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله وصحبه أجمعين أما بعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотух! Ҳурматли мўъмин биродарлар, Бу суҳбатимиз "шамоили муҳаммадия" китобидан йигирма саккизинчи дарс бўлиб, бу дарсимизда Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавозулиларини баён этган бобни ниҳоясига етказиб, кейинги "Росулulloҳнинг хулқлари" бобидан ҳам бир неча ҳадисларни ўқиб ўрганамиз иншааллоҳ!

337 - حدثنا محمد بن عبدالله بن بزيع ثنا بشر بن المفضل ثنا سعيد عن قتادة عن أنس بن مالك

رضي الله عنه قال قال رسول الله لو أهدي إلي كراع لقبلت ولو دعيت عليه لأجبت

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: "Агар менга поча –қўй ёки эчкининг поча гўшти- ҳадя қилинса, албатта қабул қиламан ва шу почадан зиёфат қилиб чақирилинсам ҳам ижобат қиламан".

**Изоҳ:** Бу ҳадисни имом Бухорий ҳам ривоят қилганлар. Ибн Ҳажсар раҳимаҳуллоҳ "саҳиҳ ал-бухорий"нинг шарҳи бўлмиш "фатҳул борий"- деб номланган китобларида, бу ҳадисга изоҳ бериб, шундай марҳамат қиладилар: "Бу ҳадис, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ахлоқ ва улкан тавозу соҳиби эканликларига ёрқин далилдир. Ва у зот, ҳадяни қабул қиладиган, меҳмон қилиб чақирилган уйга, гарчи зиёфат кўримсиз бўлсада, ижобат қиладиган, олий жаноб шахс эканликларига ҳам очиқ ҳужжатдир. Ибн Ҳажсар раҳимаҳуллоҳ сўзларининг давомида, уламолардан бирининг бу ҳақда қилган шарҳини келтириб, айтадиларки: Муҳаллаб айтганларки: Таомга чақирши ўз-ўзидан бўлмайди, балки чақирувчининг меҳмонга бўлган чинакам муҳаббати ва чақирилган киши унинг таомидан танавул қилиши билан қалбига шодлик кириши каби, бир қанча ундовлар туфайли бўлади. Шунинг учун Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, умматларини чақирилган хонадонга ижобат қилишларига чорладилар. Хуллас бу ҳадис мусулмонлар ўзаро бир-бирлари билан, борди-келди қилиш, ўрталарида муҳаббат ришталарини боғлаш ва илиқ муносабатлар пайдо қилиш, чақирилган хонадонга зиёфат озми кўпми лаббай – деб ижобат қилиш ва ҳадяни қабул этиши каби, бир қанча юксак маъноларни ўз ичиган олгандир". "Саҳиҳул бухорий"нинг яна бошқа шарҳи бўлмиш "Умдатул қорий"да Айний раҳимаҳуллоҳ айтадиларки: "Бу ҳадис ҳадя ҳар қанча кичик бўлса ҳам уни совга этиши мумкинлигига ва уни рад этмаслик кераклигига далилдир".

338 - حدثنا محمد بن بشار حدثنا عبدالرحمن ثنا سفيان عن محمد بن المنكدر عن جابر رضي الله عنه قال جاءني رسول الله ليس براكب بغل ولا برزون

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам, мени ҳузуримга хачир ҳам, арғумоқ –араблардан бошқа миллатларнинг зотдор отларини-ҳам минмай келган эдилар.

**Изоҳ:** Бу ҳадисни имом Бухорий ва имом Муслим ҳам ривоят қилишган эканлар. Баъзи уламолар айтадиларки: Бу саҳоба касал бўлиб қолганларида, у кишини ҳолидан хабар олиш учун, Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам пиёда юриб келган эканлар. Ҳадисда пиёда юриб савоб ажр кўпайтиришга ва камтарона ҳаёт кечиршига ишора бор.

339 - حدثنا عبدالله بن عبدالرحمن أنا أبو نعيم ثنا يحيى بن أبي الهيثم العطار قال سمعت يوسف بن عبدالله بن سلام قال سماني رسول الله يوسف وأقعدني في حجره ومسح على رأسي

Юсуф ибн Абдуллох ибн Саломдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам, мени Юсуф деб номладилар, кейин эса мени кўйниларига ўтқазиб, бошимдан силадилар".

**Изоҳ:** Бу киши кичик саҳобалардан ҳисобланадилар. Оталари Абдуллох ибн Салом жаннат башоратига мушарраф бўлган ўнта саҳобаларнинг сафидан ўрин олган эдилар.

340 - حدثنا إسحاق بن منصور ثنا أبو داود الطيالسي أنبأنا الربيع وهو ابن صبيح ثنا يزيد الرقاشي عن أنس بن مالك رضي الله عنه أن النبي حج على رجل رث وقطيفة كنا نرى ثمنها أربعة دراهم فلما استوت به راحلته قال لبيك بحجة لا سمعة فيها ولا رياء

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади айтадиларки: "Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам тўқими эскириб кетган ва устида баҳоси тўрт дирҳамга ҳам арзимас мато тўшалган туяда, ҳаж қилган эдилар. Туянинг устига ўлтирганларидан кейин, сумъасиз ва риёсиз ҳаж қилиш учун, лаббай сенга эй Раббим! –деган эдилар".

341 - حدثنا إسحاق بن منصور ثنا عبدالرزاق ثنا معمر عن ثابت البناني وعاصم الأحول عن أنس بن مالك أن رجلا خيظا دعا رسول الله فقرب منه ثريدا عليه دباء قال فكان رسول الله يأخذ

الدباء وكان يحب الدباء قال ثابت فسمعت أنسا يقول فما صنع لي طعام أقدر على أن يصنع فيه دباء  
إلا صنع

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Бир чевар киши Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни меҳмон қилиб чақириб, у зотга сарид – *نون* ва *غيث*дан таёрланган таом- келтирди, унда ошқовоқ ҳам бор эди. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ошқовоқни яхши кўрганликлари учун, ошқовоқни териб олар эдилар. Собит айтадиларки: Анас розияллоҳу анҳудан эшитдим, у зот менга ошқовоқ кўшиб овқат таёрлашни иложи бўлса, албатта кўшилар эди. –дедилар".

**Изоҳ:** Аввалда ҳам бу маънода бир қанча ҳадислар ўтди, шунинг учун бу ҳадисни шарҳлашга ҳожат йўқ!

342 – حدثنا محمد بن إسماعيل ثنا عبدالله بن صالح حدثني معاوية بن صالح عن يحيى بن سعيد عن عمرة قالت قيل لعائشة ماذا كان يعمل رسول الله في بيته قالت كان بشرا من البشر يفلي ثوبه ويحلب شاته ويخدم نفسه

Амра раҳимаҳаллоҳдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Оиша розияллоҳу анҳудан Пайғамбар алайҳиссалом уйда нима иш қилар эдилар?- деб сўрашди. Шунда Оиша онамиз айтдиларки: У зот ҳамма қатори башар эдилар. Кийимларини ўзлари қарар эдилар, сут соғар эдилар ва ўзларига ўзлари хизмат қилар эдилар".

**Изоҳ:** Мулла Али қори айтадиларки: "Кийимларини қарар эдилар -деган сўздан мақсад у кийимда ҳашоротлар борми ё йўқми? -деб кийимларига кўз югиртирар эдилар. Бошқа ривоятларда келишича, у зот кийимларини ўзлари тикиб-яъни йиртиқ ўринларига ўзлари ямоқ солиб- кавушларини ҳам ўзлари созлар эканлар".

( 48 ) باب ما جاء في خلق رسول الله

وفيه ( 15 ) حديثا

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини баён этувчи боб. Бу бобда ўн бешта ҳадис ривоят қилинади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ахлоқлари ҳақида сўз юритилар экан,агар бу борада

гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсак, Оиша онамиз айтганларидек, Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқлари қуръон эди.

343 - حدثنا عباس بن محمد الدوري ثنا عبد الله بن يزيد المقرئ ثنا ليث بن سعد حدثني أبو عثمان الوليد بن أبي الوليد عن سليمان بن خارجة عن خارجة بن زيد بن ثابت قال دخل نفر على زيد بن ثابت فقالوا له حدثنا أحاديث رسول الله قال ماذا أحدثكم كنت جاره فكان إذا نزل عليه الوحي بعث إلي فكتبته له فكنا إذا ذكرنا الدنيا ذكرها معنا وإذا ذكرنا الآخرة ذكرها معنا وإذا ذكرنا الطعام ذكره معنا فكل هذا أحدثكم عن النبي

Хорижа ибн Зайд ибн Собитдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Зайд ибн Собитнинг ҳузурларига бир жамоа одамлар келиб, бизларга Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан айтиб беринг! - дейишди. У зот нимани ҳам айтиб берай! -деб кейин айтдиларки: Мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўшилари эдим. Агар у кишига ваҳий нозил бўлса, дарҳол менга одам жўнатар эдилар. Мен оятни ёзиб берардим. Биз –яъни саҳобалар- агар дунё ҳақида сўз юритсак, у зот ҳам бизга қўшилиб сўзлар эдилар, агар охираат ҳақида сўзласак, у зот ҳам у ҳақда сўзлар эдилар, агар таом ҳақида сўзласак, у зот ҳам шу ҳақда сўзлар эдилар. Бу айтган сўзларим Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларидир".

**Изоҳ:** Мулла Али қори айтадиларки: "Нимани ҳам айтиб берай -деб бу саҳоба иккиланишларининг сабаби, гўёки улар у зотдан Пайғамбар алайҳиссаломнинг бутун хулқ-атворларини -айтиб беришларини сўрагандек эдилар. Шунинг учун шу сўзларини айтдилар. Лекин ҳаммасини урдасидан чиқиб бўлмасда, у ҳақда оз-моз бўлса ҳам тушунчага эга бўлиш керак -деган қоидага биноан уларга баъзи сифатларини баён қилиб бердилар".

344 - حدثنا إسحاق بن موسى ثنا يونس بن بكير عن محمد بن إسحاق عن زياد بن أبي زياد عن محمد بن كعب القرظي عن عمرو بن العاص قال كان رسول الله يقبل بوجهه وحديثه على أشرف القوم يتألفهم بذلك فكان يقبل بوجهه وحديثه علي حتى ظننت أني خير القوم فقلت يا رسول الله أنا خير أو أبو بكر فقال أبو بكر فقلت يا رسول الله أنا خير أم عمر فقال عمر فقلت يا رسول الله أنا خير أم عثمان فقال عثمان فلما سألت رسول الله فصدقني فلوددت أني لم اكن سألته

Амр ибн ал-Ос розияллоху анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам қавминг энг ёмон кишиларига ҳам, уларни қалбларини овлаш мақсадида очиқ чеҳра билан юзланиб, уларга кулиб боқардилар. Менга ҳам мана шундай очиқ чеҳра билан кулиб боққан эдилар, шунда мен ўзимни қавм ичида энг афзали бўлсам керак -деб ўйлаб қолдим. Кейин эса, ё Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам! мен афзалманми ёки Абу Бакрми? –дедим. У зот Абу Бакр -дедилар. Сўнг Умар афзалми ё менми? -дедим. У зот умар дедилар. Кейин Усмон афзалми ё менми? –дедим. У зот Усмон - дедилар. Буларни у кишидан сўраб, у зот тўғриси айтганларидан кейин бу ҳақда сўрамасам бўлар экан -деб сўраганимга пушаймон бўлиб қолдим".

**Изоҳ:** Бу ҳадисни ҳам имом Бухорий ва имом Муслим саҳиҳларида ривоят қилганлар. Мулла Али қори айтадиларки: Амр ибн ал-Ос янги исломга кирган ва ўз қавмининг сайидларидан эдилар. Шунинг учун Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам унга ҳам анашундай гўзал муомалалар қилган эдиларки, ҳатто Амр мени Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам ҳаммадан ҳам кўпроқ суяра эканлар -деган ўйга тушиб қолган эди. Бу воқеа, Амр ибн ал-Ос Миср диёрини фатҳ қилиб, Мадинага қайтган вақтларида, бўлган эди. Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам уни ўзлари кутиб олиб, кейин эса унга манашундай илтифотлар қилган эдилар.

345- حَدَّثَنَا قَتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ ثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سَلِيمَانَ الضَّبْعِيُّ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَدِمْتُ رَسُولَ اللَّهِ عَشْرَ سِنِينَ فَمَا قَالَ لِي أَفْ قَطٍ وَمَا قَالَ لِي لَشَيْءٍ صَنَعْتَهُ لَمْ صَنَعْتَهُ وَلَا لَشَيْءٍ تَرَكْتَهُ لَمْ تَرَكْتَهُ وَكَانَ رَسُولَ اللَّهِ مِنْ أَحْسَنِ النَّاسِ خَلْقًا وَلَا مَسَسْتُ خِزًا وَلَا حَرِيرًا وَلَا شَيْئًا كَانَ أَلْيَنَ مِنْ كَفِّ رَسُولِ اللَّهِ وَلَا شَمَمْتُ مَسْكَ قَطٍ وَلَا عَطَّرَا كَانَ أَطْيَبَ مِنْ عَرَقِ رَسُولِ اللَّهِ

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади айтадиларки: "Росулulloх саллalloху алайҳи васалламга ўн йил хизмат қилдим. У зот менга бирор марта ҳам уф! -демаган эдилар. Бирор қилган ишимга нега бундай қилдинг? Ёки қилмаган ишимга нега қилмадинг? -демаганлар. Росулulloх саллalloху алайҳи васаллам одамларнинг ичида энг гўзал хулқ соҳиби эдилар. Росулulloх саллalloху алайҳи васалламнинг қўлларидан кўра мулойимроқ ипак матосию ипакни ўзини, ёки бошқа бирор юмшоқ нарсани ушламаганман ва у зотнинг терлаган вақтларида анқиган ҳидларидан кўра, хушбўйроқ миск, ёки атрни ҳам ҳидламаганман".

**Изоҳ:** Бу ҳадис Росулulloх саллalloху алайҳи васалламни жуда олий хулқли эканликларига яна бир бор далилдир. Чунки ўн йил ичида киши бирор марта ҳам хизматкорини койимаслиги мушкул нарса, яна бу ҳадисда Анас розияллоху анху буйруқни бажармаганликлари учун, ёки нотўғри бажарганликлари учун итоб эшитмадим деяптилар. Кейин бу ҳадис Анас розияллоху анхуни ниҳоятда зийрак, ақл-заковатли эканликларига ҳам далил бўлади. Қўлларини мулойимлиги эса у зотнинг меҳрибонли эканликларига ҳужжатдир. Мулла Али қори айтадиларки: "Росулulloх саллalloху алайҳи

васалламнинг терлари манашундай атр каби хушбўй бўлган эди. Бу ҳам бўлса Оллоҳ таолонинг у зотга қилган инъомларидандир. Бошқа ривоятларда келишича аёллар, у зотнинг териларидан олиб ўзларига, атр сифатида ишлатишган экан". Мулла Али қори сўзларининг давомида айтадиларки: Уламолар айтишадики: "Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам зотан манашундай хушбўй бўлишларига қарамай, атрни бениҳоя кўп ишлатар эдилар, айниқса Малоикалар билан учрашганларида ва ваҳий нозил қиланаётган дамларда, атрни ҳаддан зиёд ишлатар эдилар".

346 - حدثنا قتيبة بن سعيد وأحمد بن عبدة هو الضبي والمعنى واحد قالا حدثنا حماد بن زيد عن

سلم العلوي عن أنس بن مالك رضي الله عنه عن رسول الله أنه كان عنده رجل به أثر صفرة قال وكان رسول الله لا يكاد يواجه أحدا بشيء يكرهه فلما قام قال للقوم لو قلت له يدع هذه الصفرة

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кийимига ранги сариқ атр суртган киши бор эди.- яъни заъфарондан таёрланган эди- Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бировда номуносиб нарсани кўрсалар, уни унга бевосита айтишга ҳижолат бўлардилар. У одам туриб кетгандан сўнг, қавмга айтдиларки: Унга айтиб қўйинглар! бу сариғини тарк қилсин! –яъни уни чопонидан ювиб кетказсин ёки чопонини ечиб ташласин!- дедилар".

**Изоҳ:** Баъзи уламолар айтадиларки: "Бундай ҳолатда бўлиш эркаклар учун ҳаром бўлганда эди. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари унга баён қилган бўлар эдилар. Демак ўзлари қайтармай биров орқали қайтарар эканлар албатта бундай ҳолатнинг, эркаклар учун макруҳлиги баён бўлади". Чунки одатда аёллар манашундай безанишади. Валлоҳу аълам. Сўхбатимиз сўнгида Оллоҳ таолодан бизларни чиройли хулқлар билан безашини сўраймиз.

وصلى الله على نبينا محمد وعلى آله وصحبه أجمعين وسلم